

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Мансурова Музафарра Махсудона

СамИСИ ўқитувчиси

E-mail: mansurovam1919@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақола таълимнинг замонавий жамият ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишидаги асосий омил сифатидаги аҳамиятига бағишиланган. Унда таълим соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи қонуний асослар, жумладан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда таълим сифатини ошириш ва таълим хизматларини ривожлантиришига қаратилган давлат дастурлари ва фармонлар таҳлил қилинади. Муаллиф “таълим хизматлари” тушуунчасининг турли таърифларини ва уларнинг хусусиятларини, жумладан, ижтимоий-иқтисодий табиати, баҳолаши ва молиялаштириши механизмларини кўриб чиқади. Таълим хизматлари истеъмолчиларининг мотивацияси ва танловига таъсир этувчи омиллар, шунингдек, тўловли таълим хизматларининг ракобат муҳитини ривожлантириши ва таълим муассасаларини молиялаштиришига таъсирига алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада таълим хизматлари тушуунчасини норматив-хуқуқий базага киритишнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, шунингдек, таълим хизматларининг инсон капитали шаклланиши ва мамлакатда инновациялар ривожидаги роли муҳокама этилади. Умуман олганда, мақолада таълим хизматларини тақомиллаштириши Ўзбекистоннинг ракобатбардошлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Калим сўзлар: Таълим, таълим хизматлари, инсон капитали, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон иқтисодиёти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, давлат таълим сиёсати, тўловли таълим хизматлари, таълимда ракобат, таълим сифати, таълимни молиялаштириши, истеъмолчи мотивацияси, таълимда инновациялар, таълим ислоҳотлари, ҳалқаро таълим стандартлари.

Таълим замонавий жамият фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, ҳар қандай давлатнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун зарур ҳисобланади. Таълимга инвестиция киритиш, яъни инсон капитали сифатини ошириш орқали мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларини жадал ривожлантириш даражасини кўтариш мумкин. Аҳолининг таълим даражаси ва сифати мамлакатнинг келажаги, хавфсизлиги ва иқтисодий

тараққиётига бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида мамлакатнинг бошқа давлатлар билан рақобатбардошлигини оширади ва унинг мустақиллигини таъминлайди.

Ушбу соҳанинг иқтисодиётдаги аҳамияти ҳар бир суверен давлат қабул қилган таълим тўғрисидаги қонунда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 2020 йил 19 май куни Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2020 йил 7 август куни Сенат томонидан маъқулланган. Мазкур Қонунда таълим тушунчасига қўйидагича таъриф берилган: «таълим – таълим олувчиларга чуқур назарий билимлар, кўникмалар ва амалий малакалар беришга, шунингдек, умумий ва касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган тизимли жараёндир». Таълим жараёнида маълум таълим босқичларига эришилади. Таълим фаолияти қонунчиликда икки хил турга ажратилади:

- давлат таълим стандартлари асосида амалга ошириладиган фаолият (умумтаълим дастурлари асосида ташкил этиладиган таълим жараёни);
- қўшимча таълим хизматлари (уларнинг ҳажми ва мазмuni давлат стандартлари орқали тартибга солинади, бироқ хизмат қўрсатувчи томондан қўшимчалар киритилиши қўллаб-қувватланади).

Қонунда, шунингдек, хусусий ва давлат таълим муассасалари хоҳловчиларга қўшимча пуллик таълим хизматларини қўрсатиш хуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Буларга қўшимча таълим дастурлари асосида ўқитиши, маҳсус курслар ва фанлар циклини ўқитиши, таълим олувчилар билан фанларни чуқур ўрганиш бўйича машғулотлар ҳамда таълим соҳасидаги бошқа хизматлар киради.

«Мактаб ўқувчиларининг билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат рухида тарбиялаш, ўқитувчи касбининг нуфузини ва педагоглар сифати таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув-услубий мажмуаларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий умумтаълим муассасалари моделларини барпо этиш» мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси 2022–2026 йилларга мўлжалланган» Фармони ва 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сонли «2022–2026 йилларда халқ таълими тизимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Сўнгги вақтларда таълим фаолиятига хизмат қўрсатиш нуқтаи назаридан ёндашиш тенденцияси кузатилмоқда ва бу борада мазмуни турлича, лекин маънода ўхшаш бўлган қўплаб таърифлар келтирилмоқда. Масалан, А. Скалкин

ўз мақоласида таълим хизматларига қуидагича таъриф беради: «Таълим хизматлари – бу таълим фаолиятининг бир элементи бўлиб, у алоҳида мақсадларга ва субъектларга эга. Таълим хизматларининг мақсади – билимлар, кўнкимларни узатиш, касбий маҳоратни шакллантириш ва уларни ўқувчилар томонидан ўзлаштиришдан иборат. Таълим хизматларининг субъектлари – бу таълим муассасалари (ўқитувчилар таркиби) ва маълум даражада таълим олишни истовчи ўқувчилар ҳисобланади».

А. Ченцов таълим хизматларини қуидагича таърифлайди: «Таълим хизматлари илмий-педагогик меҳнат жараёнида яратилади, у эса ўз навбатида, илмий меҳнат турларидан бири ҳисобланади».

А. Стрижов эса ўз ишларида қуидагича таъриф келтиради: «Таълим хизмати – бу таълим жараёни иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқалар билан тавсифланадиган ва шахснинг таълим эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган мақсадли фаолиятдир».

Р. Жапарова таълим хизматини шундай таърифлайди: «Таълим хизмати – бу муайян фаолият турига оид системалаштирилган билимларни фаол равища узатиш ва тажриба орқали шаклланган амалий кўнкимларни ўқувчи билан тўғридан-тўғри мулоқот орқали сингдириш жараёнидир».

В.Н. Зотов эса ўз тадқиқотида муҳим бўлган яна бир таърифни келтиради: «Таълим хизмати – бу жамиятга оид ва маҳсус характердаги билимлар, шунингдек, амалий кўнкимлар миқдори бўлиб, улар фуқарога белгиланган дастур асосида етказиладиган ўқув ва илмий маълумотлар йигиндисидир».

Юқорида келтирилган таърифларга қўшилган ҳолда, шундай хулоса чиқариш мумкинки, таълим хизмати – бу маълум бир билимни олишни хоҳловчи шахс билан ушбу билимни тўловли ёки бепул асосда тақдим этувчи субъект ўртасидаги муносабатдир. Таълим хизматлари инсон капитали шаклланишида бевосита иштирок этади, чунки бу хизматларни кўрсатиш жараёни маънавий қадриятларни яратиш, шахсни тарбиялаш ва ривожлантириш билан уйғун ҳолда кечади.

Таълим хизматлари ўзининг ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, улар анъанавий хусусиятлар ҳамда фақат таълим соҳасига хос жиҳатларда намоён бўлади. Бундай хусусиятлардан бири – таълим хизматлари “жамоат неъматлари” тоифасига кириши ҳисобланади. Яна бир хусусияти – уларнинг қийматини аниқ пул миқдорида баҳолашнинг имконсизлигидир. Нарх механизми кўп ҳолларда таълим хизматларини яратиш учун кетадиган харажатларни тўлиқ акс эттира олмайди. Бу эса таълим хизматларининг моддий шаклга эга эмаслиги, натижаларининг моддий кўринишда ифода этилмаслиги, улар фаолият жараёнида истеъмол қилиниши ва ўз ичидаги фойдали самарани сақлаши билан изоҳланади. Агар моддий соҳада натижаларни сон жиҳатдан (масалан, донада

ёки килограммда) ўлчаш мумкин бўлса, таълим хизматлари бунда истисно ҳисобланади, чунки улар номоддий неъматлар яратади.

Бу каби неъматларга мулк ҳуқуқи татбиқ этилмайди: таълим хизматлари кўрсатиш натижасида муайян даражадаги билимга эга бўлиш кўзда тутилади ва бу тўловли фаолият сифатида амалга оширилади. Бунда хизматлар маълум бир ҳақ эвазига тақдим этилади. Шу билан бирга, давлат таълим муассасаларида асосий таълим дастурлари ва давлат таълим стандартлари доирасидаги таълим жараёни бепул бўлади ва бундай ҳолларда таълим хизмати кўрсатиш бўйича шартнома тузиш талаб этилмайди.

Шунингдек, таълим хизматларининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, уларни тақдим этувчи ташкилотлар олдига қўйилган мақсадлар кўп қиррали ва маъноли ҳисобланади. Одатда, таълим муассасаларининг фаолияти бевосита фойда қўришга қаратилмаган бўлади. Аммо, бошқа томондан, уларнинг кўплаб манфаатлари фаровонликнинг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, бу «кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни таъминлаш учун зарур бўлган фойдани олиш»ни назарда тутади.

Таълим хизматлари профилига мос бўлмаган таълим муассасаларида қўшимча хусусиятга эга бўлиб, улар ижтимоий-иқтисодий неъматлар ҳисобланади. Шу боис, улар давлат таълим стандарти ва бундай фаолиятни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш учун талаб этиладиган харажатлардан ошиб кетади. Табиийки, бу жараён адекват компенсацияни талаб қиласди. Бироқ, таълим хизматлари таклиф ҳажмини кўпайтириш имконияти ҳам мавжуд – бу малакали ўқитувчиларни танлаш, ўқув аудиторияларини кенгайтириш, замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш учун қўшимча молиялаштириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Таълим хизматлари кўрсатилиши жараёнида эгалланадиган барча билим, кўникма ва малакалар, бир томондан, истеъмолчи учун таълим хизматлари бозорига чиқишида асосий рағбат бўлиб хизмат қиласди. Шахс таълим хизматлари орқали меҳнат бозорида ўзига мос келадиган, қулай бўлган соҳани танлаш имкониятига эга бўлишга интилган ҳолда ҳаракат қиласди. Бу жараёнда таълим муассасалари ўртасидаги рақобат шароитида у турли омилларга таяниб, танлов қилиш имкониятига эга бўлади.

Мазмун жиҳатидан таълим хизматлари уларнинг истеъмолчиси эгаллайдиган билим, кўникма ва малакалар ҳамда охир-оқибатда эгалланадиган мутахассислик билан тавсифланади.

Истеъмолчининг таълим хизматларини танлашдаги мотивациясига таъсир этувчи омиллар қаторига таълим муассасасининг асосий ва қўшимча устунликлари киради. Истеъмолчи учун таълим муддати, таълим тури ва шакли, ўқитувчиларнинг малакаси, таълим муассасасининг моддий-техник базаси (яъни

дарс ўтадиган аудиториялар ва уларнинг замонавий ўкув жиҳозлари билан таъминланганлиги) муҳим роль ўйнайди.

Ўз навбатида, таълим хизматлари истеъмолчиларини жалб этиш учун қўшимча малакани ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, дипломлар, сертификатлар, бепул маслаҳат хизматлари, айрим имтиёзлар каби имкониятлар таклиф этилади. Иқтисодий нуқтаи назардан қаралганда, истеъмолчиларни жалб этиш учун «кенгайтирилган маҳсулот» ва «потенциал товар» тушунчалари қўлланилади.

Истеъмолчининг меҳнат бозорида рақобатбардошликини ошириш учун зарур бўлган билим, кўнирма ва малакаларни эгаллаш истаги таълим хизматларининг яна бир муҳим хусусиятини белгилайди – бу таълим хизматини тақдим этувчи ва уни қабул қилувчи ўртасидаги ўзаро фаолликдир. Бу жиҳат таълим хизматларини бошқа хизматлардан фарқ қиласи, чунки қўпгина хизматларда мижоз пассив рольда бўлади.

Шу билан бирга, бундай тўловли таълим фаолияти тадбиркорлик фаолияти сифатида қаралмаган. Таълим соҳасидаги қонунчиликни тадқиқ этувчи олимлар норматив-хуқуқий ҳужжатларга “таълим хизматлари” тушунчаси киритилишининг ижобий ва салбий томонларини ажратиб кўрсатадилар. Ижобий томонлар сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

Ушбу тушунчанинг жорий этилиши тўловли таълим шаклларини қонунийлаштириди. «Таълим хизматлари» тушунчасининг таълим қонунчилигига қўлланилиши таълим соҳасида ижтимоий муносабатларни фуқаролик-хуқуқий усуллар билан тартибга солиш имконини берди. Бу тушунчанинг киритилиши таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожлантиришга ёрдам берди. Тўловли таълим хизматлари давлат таълим муассасалари учун қўшимча нодавлат молиялаштириш манбаларини топиш имконини яратди.

Айрим олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш ва Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вазирликларга бир қатор ваколатларни тақдим этиш, жумладан, хорижий фуқароларнинг чет эл ОТМларидан Ўзбекистоннинг давлат ОТМларига ўқишини кўчириш ва талабалар учун ички тартиб қоидаларини, шу жумладан, кийиниш тартибини белгилаш хуқуқини назарда тутди.

Умуман олганда, шартномавий муносабатлар асосида, ҳақ тўланадиган шаклда амалга ошириладиган таълим хизматлари ўқувчилар учун кенгроқ имкониятлар яратди. Таълим олишни истовчи шахслар ўз талаблари, рағбатлари ва мақсадларига мос келадиган таълим шаклларини танлаш имконига эга бўлдилар. Таълим хизматлари бозоридаги рақобат ва танловнинг кенгайиши, охир-оқибат, таълим сифатини оширишга хизмат қиласи.

Қарши фикр таълим хизматларининг асосий белгиси сифатида унинг ҳақ тўланиш хусусиятини инкор этади. Бундай ёндашувда таълим хизматларининг амалга оширилиш шакли фуқаролик-хуқуқий мажбуриятлар кўринишида намоён бўлади. Бу ҳолда таълим муассасасининг бутун фаолияти таълим хизматлари мажмуи сифатида қаралади. Агар таълим хизматларининг ҳақ тўланадиган хусусиятини қўллаб-куватловчилар ушбу атамани тор маънода қўлласалар, унга қарши бўлганлар бу тушунчани кенг маънода талқин қиласадилар.

Бундай ёндашувда таълим хизматлари – бу фуқаролар томонидан зарур билим, кўнирма ва малакаларни ҳамда мутахассисликларни эгаллаш жараёнида таълим соҳасида юзага келадиган турли муносабатлардир. Ушбу хизматлар давлат томонидан бюджет ҳисобидан, ёки бошқа йўллар орқали қўрсатилаётгани асосий аҳамиятга эга эмас. Бу ҳолда “таълим жараёни” тушунчаси “таълим хизмати” тушунчаси билан тенглаштирилади, яъни таълим хизмати давлат ҳисобидан, таълим олувчиilar ёки учинчи шахслар томонидан молиялаштирилади.

Юқорида зикр этилган барча ҳаракатлар тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш, шунингдек, фан ва таълим соҳасида инновацион ишланмаларни жорий этиш жараёнини тезлаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган «Таълим тўғрисида»ги Қонун.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги № УП-134 сонли «2022–2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги № ПП-60 сонли «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақилликни бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
4. Джапарова Р. «Маркетинг услуг професионального образования» Маркетинг. - 2005. - № 4. - С. 55 - 65.
5. Зотов В.Н. «Разработка стратегии и тактики маркетинговой деятельности вузов на рынке образовательных услуг и научно-технической продукции» Автореф. на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: РЭА им. Г.В. Плеханова, 1997. С. 21.
6. Скалина А.Н. «Понятие образовательных услуг и правовые основы их оказания». Материалы VIII Международной студенческой научной конференции «Студенческий научный форум» 2016.
7. Стрижов А. «Понятие качества образовательной услуги в условиях рыночных отношений». Стандарты и мониторинг в образовании. - 1999. - № 3. - С. 47 - 50.
8. Ченцов А. «О бизнесе образовательных услуг». Высшее образование в России. - 1999. - № 2. - С. 120 - 123.